

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

● № 110 (2374)

● 1991 ЙИЛ 12 СЕНТЯБРЬ

● ПАЙШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИИИН

ОБУНА-92

ВАЪДАНГИЗГА ИШОНАЙЛИКМИ?

Жумҳурият ИИВ ҳайъатининг нашри ҳисобланмиш «Постда» рўзномасининг қайта түғилганига ҳам тўқиз ой тўлаяпти. Ана шу қисқа давр ичидаги ўзимизнинг бир неча минглаб ҳақиқий мухлисларимизни топиб олдиқ. Яна шуниси қувончлики, уларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Буни шу кунларда уюшқоқлик билан ўтказилаётган обуна мавсуми ҳам яқол тасдиқлаб туриди.

Бизнинг шахсий таркибимизда 96 нафар ходим бор, — деди Андикон вилоятидаги Хўжаобод тумани ИИВ бошлиги милиция подполковники Абдумуталиб ака Эргашев телефонда. — Уларнинг ҳаммаси келгуси йилда «Постда» рўзномасини мунтазам ўқиб бориши имкониятига эга бўлдилар. Ҳатто бошқа корхона ва ташкилотлардан ҳам обуна бўлишини истаётганлар бизга мурожаат қилишагни. Уларга бу борада ёрдамишни аямаяпмиз.

Биз Абдумуталиб акага раҳмат айтуб, Марҳамат тумани ИИБга қўнғироқ қилдик. У ерада 86 нафар ичкни ишлар ходимларидан 65 нафари рўзномамизга ёзилганини билдиришди.

Олтинкул тумани ИИВ бошлиги Содиқжон ака Камолов билан боягандик.

— Бизда ҳам рўзнома иштиёқмандлари кўп, — деди у киши. — 73 нафар ходимларимиздан 80 фойзи обуна бўлишди. Қолганлар ҳам тез орада ёзилишмоқчи...

Сим орқали ана шу сухбатлардан анча мунча енгил тортидик ва Марғилон шахри ИИБга қўнғироқ қилдик. Навбатчилик кисмидаги ўртоқлар бизни бўлим бошлиги Бахтиёр ака Абдураҳмонов билан борлашди.

— Бахтиёр ака, сизларда нечта ходим бор? — деб сўрадик.

— 300 киши...

— Шулардан неча киши «Постда»га обуна бўлишиди?

— Ҳали обунани бошлаганимиз йўқ. Энди...

— Наҳотки?

— 20 сентябрь куни маоп берилади. Ўшанда қиласиз ҳаммани.

Тарвизимиз қўлтиғимиздан тушиб кетди. Истаристамас Қашқадарё вилояти Янкабов тумани ИИБдаги ҳамкасларимизга сим қоқдик.

— Алло, эшитаман! — деб

МУХЛИSLARIMIZ DICKATIKA!

«Постда» рўзномасига барча алоқа бўлимларида 1992 йил учун обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда. Рўзномага жамоагчи обуна тарқатув чилар ёрдамида ҳам ёзилиш мумкин.

Рўзноманинг обуна рақами (индекси) — 64615.

Обуна баҳоси — бир йилга 15 сўм 60 тийин, олти ойга 7 сўм 80 тийин, 3 ойга 3 сўм 90 тийин.

Эслатиб ўтамиш, обуна учун олинадиган президентлик солиги бекор қилинди.

Демак юқорида кўрсагилган обуна нархига ҳеч қандай қўшимча пул тўламасдан рўзномага ёзилиш мумкин.

ди бошлиқ ўринbosari Баҳридин Алиқулов.

Биз ўзимизни таништирдик ва сўрадик.

— Сизларнинг бўллимингизда қанча одам ишлайди?

— 100 нафар ходимимиз бор.

— Обуна масаласи қандай бўлаяпти?

— Ҳали бошламадик. 20-числода обуна бўламиз энди.

Чироқчи тумани ИИБ бошлигининг ўринbosari милиция капитани Худойберди Мейлиев билан савол-жавоб қилдик.

— Бизда юз нафардан ошироқ ходим бор, — деди ўртоқ Мейлиев.

— Буни қандай тушуниш керак? Юздан қанча ошик?

— 20 та.

— Обуна бўлаяпсизларми рўзномамизга?

— Ҳа, шахсий таркибнинг ярми обуна бўлиб улгурди.

— 60 кишими?

— Йўқ, 48 киши.

— Нима, қолганлар хоҳлашмадими?

— Йўқ, нега энди, 20 сентябрь куни маоп олгандан кейин...

Бу савол-жавобларни эпиграфи, кулишни ҳам, куйини ҳам билмай қолсан, кинди. Тўғри, ҳозирги лайтда қайси рўзномага обуна бўлади — бу ҳар кимнинг ўзига давола. Ихтиёрий. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор.

Юқорида айтганимиздек, «Постда» вазирлик ҳайъатининг нашри. Бошқача айтганда, ҳуқуқ-тартибот химоячилари овози. Бу соҳадаги ҳар қандай янгилик аввало шу рўзномада чоп этилади. Қолаверса, бошқа вилоят ёки тумандаги ҳамкаслар тажрибасидан огоҳ бўлиш ҳар бир милиция ходими учун кони фойда. Бошқалар тажрибасини ўзлаштирган ҳолда маҳоратни ошириш ва шу тартиқа ҳалқ билан яқинлашиш лозим. Бизнингча, бошқа йўл йўқ. Наҳотки, юқорида тилга олинган ИИБлар раҳбарлари шу нарсанни тушунишмаса ёки аҳамият беришмаса?

Агар эътибор қилган бўлсангиз, уларнинг аксарияти 20 сентябрь куни обунани юз фойз қилиб бажаралимиз, деб ваъда қилишди. Ваъдалар бизни тинчлантириш учунгинами ёки амалда бажарилалиган ишми — буни вакт кўрсатади.

Тарвизимиз қўлтиғимиздан тушиб кетди. Истаристамас Қашқадарё вилояти Янкабов тумани ИИБдаги ҳамкасларимизга сим қоқдик.

— Алло, эшитаман! — деб



Хонадонлардан, саноат корхоналаридан, турли идоралардан маҳсус ўт ўчириш қисмларига ногаҳон телефон қўнғироқлари бўлиб туради.

Гулистондаги I-маҳсус ҳарбийлашган ўт ўчириш қисмидаги бўлганимизда, жангчилар ўз бошлиқларидан тил-

сиз ёвни тез жёловлаш, ёнгина қолган кишиларни бешикаст қутқариш борасида нималарга аҳамият бериш зарурлигини эшитаётганинги устидан чиқаб қолдик.

Ўт ўчириш қисми бошлиғи ички хизмат майори Гуломжон Каримов ва унинг ўрин-

босари Бахтиёр Жумалиев ўз ходимларига топшириқ бериши (I-сурат). Бир зум ўтмай оловдан ҳимоя қилувчи маҳсус уст-бош кийған жангчилар ўз машинаси томон югуриб кетдилар (2 сурат).

(Давоми З-бетда)



ТАШМАЧИННИ ТАНИЙСИЗМИ?

Кува тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими бригада бошлиғи Мўминжон Қосимов назоратдаги объексларни кўздан кечираётib, кечаси соат тўртларда Кува мебель комбинати орка деворидан кимдир мебелинг ҳар хил қисмларини ўмарётганини сезди. Назоратчани сезиб қолган ўғри ҳамма нарсанни ташлаб, қочиб қолди.

Мўминжон кўрган-кечиргандарни ҳақида бўлми бошлиғи милиция майори Жўрабой Сидиковга зудлик билан хабар берди. Орадан кўп ўтмай у киши милиция капитани Зокиржон Ашурев, милиция лейтенанти Раҳимжон Ортиков, назоратчи Раҳимиддин Норкуловларни эргаштириб, воқеа жойига етиб келди.

Ичкаридан ташиб чиқарилган мебель қисмлари шундокчина катта йўл ёқасида — йўлакда ётарилиб келинди. Ҳисоблаб кўришса,

уларнинг умумий баҳоси 121 сўм 37 тийинни ташкил қилди.

Кидирув ишлари натижасида шу комбинатнинг пердозлаш ва йигини цехи ишчиси, 1958 йилда туғилган, туман ҳудудидаги Октябрь қишлоғида истиқомат қилувчи Очил Исмонлов қўлга олинди. Унга нисбатан ЖМНинг 114-моддаси 1-қисмига асосан жинонӣ иш кўзатилди.

Шу ўринда бизни бир савол ўйлантирайти. Корхона раҳбарлари сезмаган воқеевни рўзнома орқали уларга билдиридик. Энди улардан қандай садо чиқаркан? Ўз жамоа аъзолари ҳақига кўз олайтирган Очил Исмонловга қандай муносабатда бўлишаркан?

Биз бу ҳақида Кува мебель комбинати раҳбариятидан жавоб кутамиз.

Раҳимжон РАҲИМОВ,
милиция катта сержант.

АЪЗОЛИК БАДАЛИ-ЁРДАМ КЎРСАТИШ ЖАМҒАРМАСИГА


Жумҳурият Президенти Фармонига мувофиқ ички ишлар идораларида сиёсий фирмалар фаoliyati тўхтатилди. Шу кунларда ҳуқуқ-тартибот идораларида бошланғич фирмаларидаги ташкилотларни сўнгги йигилишларини ўтказишмоқда.

Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиби ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва тарбиялаш ҳамда «Постда» рўзномаси коммунистлари мана шундай йигилишда саҳоватлини шига қўл уришди. Улар йил бошидан буён тўланган възолик бадалларидан ўзлашрига тегиши 310 сўмни ички ишлар идораларининг ҳалок бўлган ходимларни оиласларига ёрдам кўрсатиш жамғармасига ўтказишиди.

Гап пулнинг миқдорида эмас, гап кечагина сиз билан бизнинг сафи мизда бўлган ҳамкасларимиз хонадонига хўл тиргак бўлишида. Ўйлаймизки, кўпчилик бу ташаббуси кўллайди.

Ф. ЖУРАЕВ.

У КҮНЛАРНИ УНУТМОҚ ОГИР



Бир неча йил олдин нотүгри сиёсатнинг ўзга юрт тупроғида шаҳид кетдилар, неинъекси ўлароқ шуро қүшинлари Ағон тупроғига бостириб кирганды, бу мажрух бўлиб қайтдилар. Машъум урушда қатнашишни байналмилалчилик қирғинбарот асорати туфайли юзлаб, минглаб аёллар кўзларида ёш қотиб қолди, фарзанд доғида куйган ота-оналар оҳ-фарёди ҳали-ҳануз тинганича йўқ.

Юртимизда ошкоралик қарор төпіб, ҳамма ўз тили ва дилига эга бўлгандан кейин ёса мақсадсиз уруш, деб эътироф Эл бошига тушган ана шу саводдан Наманган вилояти ички ишлар ходимлари гарди? Қанча-қанча ватандошларимиз ҳам бенасиб қолмадилар.

ВЕРТОЛЕТ ҚУТҚАРДИ

Покистон чегараси яқинидаги Лагмон вилоятида Ағонистон халқ милицияси отрядлари билан осоиштатлини қўриқлаётганимизда, 80 нафарга яқин Савр инклиби душманлари бизга яқин қишлоқка бостириб киргани ҳақида маълумот олдик, — деб ҳикоя қиласи милиция майори Абрармон Ҳоликов. — Қашшоқ халқни талаб, уйларига ўт қўяётган, бор-будини оч бўридек талаётганларни тор-мор этиш мақсадида 100 кишидан иборат гурух тузилди.

Лекин қишлоқка етиб келганимизда, алданганимизни сездиқ. Душман 300 кишидан кўп экан. Шу боис, биз уларни эмас, улар бизни қуршаб олиши. Номутанси кучлар орасида жанг бошланди, вақт эса уларнинг фойдасига ишлар эди. Марказдан ёрдам келмаса, аҳвол чатоқ. Рашиз эса душман ўқи, теккани учун ишдан чиқсан. Фақат бирор улов билангида олисдаги дўстларимизни мавжуд аҳволдан хабардор қилиш мумкин, холос. Машина ҳайдашни эса мендан бошқа ҳеч ким билмас экан. Шунинг учун

рулга ўтиридим, ағон халқ милицияси ходими Муҳаммад Матин, сафдошим Алексей Кузьменко ҳамроҳ бўлишиди.

Лекин уч-тўрт чақирим йўл босгандан кейин душман минаяса дуч келдик. Ҳушимдан кетдим. Ҳозимга келиб, кўзимни очсан, қуролланган душман тобора яқинлашиб келаётти. Афтидан бизни тириклийн кўлга олишмоқчи эди. Лекин бунга муваффақ бўлишиди. Уларга қаратада граната улоқтиридим. Муҳаммад Матин эса автоматини «сайратиб» қолди.

Имкониятдан фойдаланиб, ағдарилиб ётган автомобилга қараб эмакладим. Чунки ўша машина ичидан сафдошим Кузьменко ҳушсиз ётар, агар озгина кечиксам, ёнаётган машина портлаб кетиши аниқ эди.

Уни судраб, машинадан анча-мунча нарига олиб бордим. Аммо бу қаҳрамонлигимни бефойда ҳисоблардим. Нега деганда қўлимда охирги гранатадан бошқа ҳеч вақо қолмаганди.

Шу вақт осмонда иккита вертолёт пайдо бўлди. Улардан бирни душманга ўқ отиб, бизни пана қилиб турди.

ЖАҲЛИНГ ЧИҚСА, БУРНИНГНИ ТИШЛА!

Аммо Тошкент туманинда яшовчи Құдратилла Едгоровнинг «нервий» қўзиси, бурнини эмас, ўзгаларни тишилар экан. Уттиз бир қишини бошидан ўтказган бу йигитнинг ҳаётидаги совуқ кунлар кўп бўлган. Безорлиги, босқинчлиги учун аввал ҳам судланганди. Қора курси юмшоқ туюлиди, шекилини, яна бир безорлитика қўл урди. Узиннинг тили билан айтганди, «иўн эмас, озгина» ичиб олгач, ўша «озгина»нинг таъсирин кучли бўлганидами жини қўзий бошлиди. У тегадиган теккан топилмади, энди тегмаганга кесак отмоқчи бўлди. Йўли да биринчи учрагани Карл Маркс номли давлат хўжали-

гида жойлашган консерва заводи қоровули Қўлаған Абдураҳмоновнинг қайсыидир сўзи ёқмади чоги, кесак билан ҳам қаноатланмай тошбўрон қила бошлиди. Қўлига болгача тушиб қолганди, уни ҳам ишга солди...

Құдратилла «юмшоқина» қора курсида ўтирганида жаҳлидан тушган, қилган ишидан пушаймон эди. Яхшиямки Т. Абдураҳмонов омон қолди. Йўқса...

Тошкент туманинда суди ҳукми билан Құдратилла Едгоров тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Махкам ҲАКИМОВ.



Пскент туманин Олмалиқ шаҳри билан боғловчи йўл ўта серқатнов ҳисобланади. Шу сабабли ҳам бу йўл тасодифлардан ҳоли эмас.

Суратда: туман ИИБ ДАНБ катта инспектори милиция катта лейтенант Тухтамурод Файзиев ҳайдовчи хужжатини текшириб кўрмоңда.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

ҚОЧИБ КЕТА ОЛМАДИ

Милиция сержант Оразали Муратов постида туарди. Бир пайт 250-300 метр нарида йўлни кесиб ўтаётган иккি ўспиринга қўзи тушиб, сергак тортид. Чунки улар худди бирордан қочаётгандек тез-тез орқаларига қараб қўйишарди.

Оразали аввалига югуриб чиқиб, уларнинг йўлни тўсмоқчи бўлди. Лекин шу ондайдек қароридан қайтди. Милиционерни кўриб, улар қочиб қолишлари мумкин. Яхшиси, шу ердан воқеанинг ривожини кузатгани маъкул.

Йигитчалар 1 Май кўчасини кесиб ўтиб, А. Толстой кўчасига бурилишиди. Яна худди ўтири мушукдай атрофга аланглаб олдиларда, милиционер томонга қараб юра бошлидилар. Йўл-йўлакай қўлдаги сумкани титкилай кетдилар.

Қулай вазият келганини сезган Оразали уларнинг рўпарамасига чиқди.

Хўш, йигитчалар, аввали танишиб олайлик-чи, кимсизлар? — деб сўради.

Ўспиринлар эса қаршиларида турган милиционер осмондан тушдими, ердан чиқдими — сезмай қолишиди. Қочиб қолиш имконияти эса бой берилганди.

Учкун Муротовман, — деди сумка кўтартгани ўзини танишишиб тирилди. — Қарши шахридаги 31-ўрта мактабнинг тўқизинчи синфида ўқийман.

— Қўлингдаги сумка кимники?

— Ўзимни... — Аёлларнинг сумкасини кўтариб юаркансанда, ичидан нималар бор?

— ... — Ҳа, майли, — деди милиционер ва иккичи ўспирига мурожаат қилди. — Ҳўш, сен кимсан?

— Жамшид Назаровман. Чилонзордаги 254-ўрта мактабнинг тўқизинчи синфида ўқийман.

— Алдамаясанми ишқилиб?

— Нега алдаканман? Ишонмасангиз, ўйимиздагилардан сўраб кўринг. Телефон раҳамимис...

Худди шу пайт «Ветъка» белгили мотоциклда бир кинши келиб тўхтади:

— Уртоқ сержант, бу йигитчалар ҳозиргина бир аёлнинг сумкасини олиб қочишиди. Аёл кўчада! — деди.

Кейин яна мотоциклини ўт олдириб, йўлига равона бўлди.

Оразали болаларни шериги Ю. Ҳайдаровга топшириб, катта йўл ёқасига чиқди.

Аксига олиб жабрланувчи кела қолмади. Ноилож яна ортига бурилди. Чунки шериги кечакина ишга келган. Тажрибаси ўйқ. Ишқилиб болаларни қочириб юбормаган бўлсинда.

Бориб кўрса, Ю. Ҳайдаров болалар билан гаплашиб турган экан. Кўнгли жойига тушшиб, катта йўл ёқасига чиқди. Шу пайт 25 ёшлардаги аёл келиб қолди. Афтидан жуда безовта кўринарди.

— Кечиравиз, бирор нарсангизни йўқотдингизми? — деб сўради милиция сержант.

— Ҳозиргина иккита шумтака сумкамни юлиб олиб қочди. Уларни кўрмадингизми?

— Ҳа, кўрдим. Юринг, сизга ҳам кўрсатаман! — деди Оразали.

Аёл болаларни кўргач:

— Ҳа, яшамагур, ўгрилар, қани сумкам? — деди жигибийрон бўлиб.

— Шошилманг, — милиция сержант аёлни тўхтатди.

Ҳозир Киров туманин ИИБга борамиз. Сумкамнинг ўша ерда оласиз.

Холмуҳаммад МУИДИНОВ.

РУЗНОМАДА БОСИЛМАДИ АММО...

НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Шу йил 22 июль куни таҳриртимизга Поп шаҳар умумий овқатланиш корхонаси хизматчиси Мусаввар Мелиевадан келган шикоят хатини диққат билан ўқиб чиқди.

«...Ассалому алайкум, ҳурматли рӯзнома ходимлари!

Сизга ушбу мактубни ичим тўла изтироб билан ёзаяпман.

Турмуш ўртогим Гуломжон Алиматов Поп шаҳар ИИБда пост-патрул хизмати бўлинмаси командири бўлиб ишлади. Унвони милиция старшинаси.

З май куни қизим оддимга югуриб келди: «Дадани кўчада дўппослашапти!» — деди ҳовлиқиб.

Соат кеч саккизлар эди чамамда. Оёғимни қўлимга олиб югурдим. Чиндан ҳам бир йигит эримни ураётган экан. Югуриб бориб ўрталарига сўқилдим. «Нега урасан, ҳайвон!» — дедим газаб билан.

Безори эса эримга: «Тунов куни биттанинг 600 сўм жарима согландинг, энди эса ўртоғимнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйибсан. Жонга тегдиларинг, энди ҳаммангни битта-биттадан қираман!» — деб атрофимизда гир айланарди.

«Шошилмай, яхшилаб тушилтирангчи, нима бўлди, ўзи?» — дейишимни биламан, у ёнимдан сакраб ўтиб, эримнинг юзига нима биландир (қоронфи бўлганилиги учун кўрмай қолдим) урди.

У киши гурсиллаб йиқиди. Безори юлқиниб чиқиб, қочиб кетди. Кўйлагининг бир парчаси йиртилиб, қўлимда қолди.

Орадан кўп ўтмай «Тез ёрдам» ва милиция машинаси келди. Шифохонада эримнинг юзини тикиди, кўзларини ювиши. Эх, худойим, унинг кўзлари қипқизил гўштга айлананди!

Уни шифохонада қолдириб, навбатчи машинада ИИБга келдим. Уч нафар номаълум кимсаларни менга кўрсатишди. Улардан бирин менинг қарғишимга қолган ўша безори эди. Исли Шуҳрат.

Эрим 11 кун дегандан шифохонадан буткул согаймасдан уйимизга қайтиб келди. Ҳали ҳам боши оғриди.

Шуҳратнинг устида тўплантан материаллар эса судга оширилди. Суд эса палапартиш тузилган ҳужжатларга ва таниш-билишчилик асосида чиқарилган тиббий экспертиза хулосаларига таяниб, безорининг зўравонлигини енгил жиноят, деб ҳисоблади. Шуҳратга жарима солиш билан чекланди. Ҳатто «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан химоя қилишини кучайтириш тўғрисида» ги жумҳурият Конуни ҳам қўпол равишида бузилди.

Керакли тошнинг оғирлиги йўқ, деган мақол таъсир кучидан жудо бўлган кўринади. Зоро бугун кераксизи ҳам қушдай енгиллашиб қолди. Шундай экан, камбагал рўзгорининг тиргаги ҳисобланган мол-қўйининг зарур-нозарурлиги ҳақида оғиз очиши ҳожат ҳам йўқ.

Ўғрига эса барibir. Тўқчиликми, йўқчиликми бировнинг моли кўринса, қўли қишидан тўхтамайди. Эгаси ният билан боқаётган жониборнинг ўғирланиш сабаблари саралаб чиқилса, улар орасида шундай антиқалари борки, астин ҳуҷверасиз. Пишган-пишмаган каллани чархпалақдай айлантириб ташлайди. Кимдир пичоги қон кўргмагани учун юм-юм йиглаётган қассобга ачинчанидан, бошикаси ем қидиравераб оёқдан толган бир бечорани ортиқча даҳмазадан холос этиш дардига йўлиқдандан, учинчиси эса шунчаки бекорчиликдан бу ишга кўл

Чунки Шуҳратнинг опаси прокуратурада ишлайди, шу сабабли у сувдан қуруқ чиқаётди. Одамлар: «Ана, Шуҳрат милиционерни уриб, дабдала қилди. Ҳеч ким индамади. Уларнинг худоси бошقا!» — дейишаётди...

Бу сафар ҳам одатимизни канда қилмадик. Чоп этишга шошилмадик бу дил изтиробларини. Текшириб кўриш учун вилоят прокуратурасига сўров хати юбордик. Яқинда ана шу нуфузли ташкилотдан жавоб хати олдик. Унда қўйидагилар битилган экан.

«...Фуқаро М. Мелиеванинг «Постда» рӯзномасига ёзган аризаси Ш. Т. Солиқовга нисбатан ЖМ 91-моддаси 2-қисми асосида қўзғатилган жиноят ишини назорат тартибида ўрганиш йўли билан текширилди.

Шу нарса аниқланди: 1991 йил 3 май куни соат 20ларда ИИБ пост-патрул хизмати ходими Гуломжон Алиматов овқатланиш учун уйига бораётганди. Поп шаҳридаги «Октябрь 50 йиллиги» кинохонаси олдида Шуҳрат Солиқов уни сенлаб чақиради ва ҳақоратлади. Алиматов: «Нега мени ҳақорат қиласапсан, кайғин бор, юр, ИИБга борамиз!» — деса, Ш. Солиқов бу талабдан бош торади. Шунда Алиматов рация орқали милициядан ёрдам чақиради. Ш. Солиқов эса кўпчилик милиционерлар олдида F. Алимовдан кечириб сўрайди.

Кейин Алиматовнинг орқасидан эргашиб бориб, йўлда уради.

Суд-тибий экспертизаси хулосасига қараганди, у енгил даражада тан жароҳати олган. Поп тумани прокуратури баш терговчиси В. Турсунов 14 май куни Ш. Солиқовга нисбатан тўплантан материалларни ЖМП 5² моддасига асосан маъмурий чора кўриш учун халқ судига юбориш кераклиги ҳақида қарор чиқарган. Аммо туман прокурори материалларни ўрганиб чиқиб, F. Алимовнинг қўшимча рашида яна суд-тибий экспертизасидан ўтказдирган. 21 июнь кунги суд-тибий экспертизаси хулосасига жабрланувчи милиционер соғлиги бузилиши билан боғлиқ бўлган енгил даражада тан жароҳати олганлиги кайд этилади. Шунинг учун ушбу волея юзасидан 13 июль куни ЖМнинг 91-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Бу вазифа терговчи А. Усмонов зиммасига юқлатилган.

Ҳозирги вақтда тергов ҳаракатлари давом этмоқда, унинг ҳар томонлами тўлиқ сифатли олиб бориши ҳам низоратга оғизлашиб ҳожат ҳам йўқ.

урганини айтади.

Бувайда тумани фуқаролари таъби нозиклиги, ичак-узар аскиялари билан ажраби туришади. Эрталаб салом ўрнига иккя жуфт қитингизга тегадиган сўз билан сийлашмаса, исмларини бошқа қўйишиди. Ҳа, худо уларни хушчақчақлидан қисмаган. Ҳатто бу ерлик мол ўғрилари ҳам қинギр ишини изоҳлаш учун антиқа баҳоналарни не гўрдан топишади, билмадим.


Гапни чўзавермасакда, Бувайда тумани ИИБ жиноят қидирув опервакили милиция лейтенанти Алижон Сатторов сўзлаб берган воқеани сизларга етказсан.

— Отаси, турсангизчи, шўримиз қурибди.

— Тинчликми? А, нима гап ўзи?



(Боши 1-бетда)



«МАТБУОТ АВТОКЛУБИ» АХБОРОТИ

Кундуз соат 14.00 ларда Коммунистик туманинг Жумабозор-Красногорск улов йўлининг 18-километрида 1978 йилда туғилган, 4-урта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ф. Салимовни автомашина уриб юборди. Бу фалокат натижасида тан жароҳати олиб, кесалхонага келтирилди. Ҳалокатни содир этган ҳайдовчи ёрдамга муҳтоҷ бўлиб ётган болани воқеа содир этилган жойда қолдириб, жуфтакни ростлади. Тасаввур қилиб кўринг: фалокат рўй берди. Унда ким айбордигини суд аниқлади, лекин ўзининг гу-

ноҳини сезиб-сезмасдан, жароҳатланган кишини кўра-била туриб, ёрдам бермасдан ташлаб кетиши... Бу инсонийликка бегона нарса!

Тезлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 9 соатлардан сунг айборд аниқланди. 1968 йилда туғилган, шутуманинг Жамбулномли жамоа хўжалигидаги «Армон» ширкати ишчиси Азизбек Абубов ўзига қарашли И 27-01 ТШ белгили машинасида юқорида вайтиб ўтилган йўл-улов ҳодисасини содир этганлигига ва воқеа содир этилган жойдан кетиб қолганлигига икror бўл-

ди.

Яна шу куни соат 12.45 да Когон тумани ҳудудидан ўтдиган Гузор-Нукус йўлининг 555-километрида давлат белгиси ўрнатилмаган «ВАЗ-2103» билан 55-03 БХЛ рақамли «МАЗ» автомобили тўқнашиб кетди. Фалокат туфайли «ВАЗ-2103» автомобили ҳайдовчиси, вақтинча ҳеч қарда ишламайдиган Бахтиёр Тўраев ва Бухоро технология олийгоҳи 2-курс талабаси Раъно Баҳара нова тан жароҳатлари билан касалхонага жойлаштирилдилар.

Анвар НАЗАРОВ, милиция капитани.

С. Шавкат ўша куни оғига текизилмай ИИБга келтирилди. Армия сафидан қайтганидан бери ҳеч қарда ишламас экан.

«— Нега молни ўтирилдингиз?

— Ҳамма ёқда қимматчилик. Ўйланишим керак (?).

— Ишлаб пул топса бўлмайдими?

— ...

(Милициядаги сўроқдаи).

Қочган ҳам, қувган ҳам худо дейди. Шавкатнинг омади чопиб, пулни ёр васлига сарфлади ҳам дейлик. Енгил машиналардан иборат тўйкарвонидаги энг этиборли жойини молга ажратардими? Ахир, эл олдига тўрт оёқли жонивор ҳисобидан дастурхон ёзиларди-ку!

Булаар эди шунчаки фарз. Аслида Шавкат бугун эрта базм тўрида эмас, балки суднинг ҳора курсисида ўз тақдирини кутади.

Кул ТЕГИН.

ТЎЙ КАРВОНИДАГИ МОЛ

Кўргонча қишлоғилик Турсунали Бозоров уйку асирлигидаги кўзларини ишқалаб аранг очаркан, ўзини бостиришмага урди. Во, ажаб, бугун эрта туғиб, болалари оғзини оқлайдиган сиғири йўқ.

Тонг отишини кутишга сабри чидамади. Назаридаги ҳозироқ милицияга хабарини берса, эшикдан 5 минг сўмлик моли қайтиб кириб келаётгандек эди. Туман ИИБ навбатчиси уни хиёл тинчлантириб, ўғирларни очиши даҳлдор ходимларни ширин уйқудан кўтаришга кириди.

Ўғри етаклаган ювош молнинг изи бостиришмадан бошланниб, нон цехи олдида — асфальт йўлда тўхтаганди. Каерга кетган? Бозорга бормайди, чунки бугун душанба. Гумдан қилишининг бирдан

бир йўли — қассобга пуллаш.

Милиция ходимлари учтурт тахминни ўртага ташлашди. Улардан биринда қўнгиротлик қассоб гумонга олинди. Фурсатни ўтказмасдан унинг уйини кўздан кеширишга келишилар. Қ. Абдуллаттоға ҳовлисида турган бешта молдан бирини жабрланувчи адашмай таниди.

Дастлабки сўроқдаёт. Қ. Абдуллаттоға молни ярим кечаси С. Шавкат олиб келиб, З минг сўмлик мол ўғирларни очиши даҳлдор ходимларни ширин уйқудан кўтаришга кириди. Ўғри етаклаган ювош молнинг изи бостиришмадан бошланниб, нон цехи олдида — асфальт йўлда тўхтаганди. Каерга кетган? Бозорга бормайди, чунки бугун душанба. Гумдан қилишининг бирдан

«Постда» рўзномасидаги жуда қисқа иш фаолиятимда даҳшатли воқеаларга, қотилликларга оз бўлсада кўнишиб улгурдим. Секин-аста ҳар қандай мудҳиц ҳодисага ҳам касб нуқтаи назаридан қарашга ўрганиб, кўнишиб боряпман. Аслида эса инсониятнинг буюк фожиаларидан биро шу — кўнишиб ўрганиб қолиш. Майли, менни бу даҳшатлардан «қулогим қотиб», «профессиональ»лашиб кетишимдан ўзимгина нари борса, рўзнома зарар кўриши мумкин. Лекин шундай бир тоифа одамлар борки (билиб-бilmay жиноятчилик йўлига кириб қолганлар), улар бу ваҳшийликларга кўнишиб қолса, бунинг оқибати оғир бўлади. Жуда оғир. Улар шунаقا нарсалар қилиши мумкинни...

Шу йилнинг 6 августи куни Арнасой тумани ИИБга хабар келди. Тузкон кўлининг соҳилидаги чўчқаҳонада кўма уй ёниб кетган. Бу, албатт, унчалик ваҳимали ҳодиса эмас. Барибир текшириш керак. Воқеа содир бўлган жойга оператив гурух жўнаб кетди. У ер Арнасойнинг энг чекка қишлоғи Наврӯздан ҳам 12 километр ичкарида жойлашган бўлиб, хувиллаган дашти. Яқин атрофда тирик жонни учратиш қийин.

Оператив гурух ярим оролга борганида, атрофда со-



Олдин хабар берганимиздек, Арнасой-да мудҳиц қотиллик юз берди. Мухбинимиз воқеа жойида бўлиб, у билан атрофлича танишиб қайти. Куйида эътиборингизга ваъда қилинган мақолани эмас.

кинлик ҳукмрон эди. Юракни эзувчи ваҳимали сокинлик. Ёнгани кўчма уй Александр Оносов деган шахсга тегиши бўлиб, бу ерда унинг шахсий чўчқаҳонаси жойлашган эди. Уйча ва унинг атрофидаги ёнадиган нарсаларнинг ҳаммаси кулга айланган. Ҳатто анча узоқда турган «Жигули» машинасининг ҳам қуруқ тунукаси қолиди, холос. Кў-

тонда ўз ҳолига ташланган чўчқалардан 4-5 таси очликдан ўлган.

Дастлаб ёниб адо бўлган машинанинг ичидан одамнинг жагига ўхшаш нарса топилди. Бошқа бирорта ҳам сувж қолмаган. Боягини ҳам сувж деб бўлмайди. Кўкимтири, сал эҳтиётсизлик қилинса, уқаланиб кетгудек бир нарса. Тахмин қилинди, машинада битта одам ёниб кетибди. Сал нарида уйчанинг останасида кулнинг сал бошқачароқ эканлиги пайқаб қолинди. Ишқилиб одамнинг ўлиги деб гумонирав мумкин. Ичкарида аҳвон анча мураккаб эди. Ҳамма нарса ёниб битган. Шифтдан у-бу нарсаларнинг ўпирилиб тушиши натижасида бу ердаги аҳволни аниқлаш қийин эди. Шундай бўлсада, останага яқинроқ жойда сувж қолдиқларини топиши, кўйиб-корайиб кетган. Булардан гўра-шира одам скелетини тасаввур қилиш мумкин. Демак яна битта киши. Кейин яна иккита умуртка қолдиқлари топилди. Шундай қилиб, беш одам ёниб кетган, деган фараз туғилди.


Чўлда кўчма уйларнинг ёниши одатий ҳол. Кимдир исинмоқчи бўлади, кимдир папирос чекмоқчи бўлади маст ҳолда. Ишқилиб кунда бўлмаса ҳам, йилда биринки юз бериб туради. Шунинг учун ҳам бир ҳафта ҳеч ким эътибор бермаганди. Бу ерда эса ундаёт бўлмаган кўринади. Тасодифий бўлганда ё уй, ё машина ёниши. қолаверса, ҳеч бўлмаганда бир киши тирик қолиши керак эди. Кичик уйдан ёки машинадан қочиб чиқиш қийин эмас-ку. Икки скелетнинг бир жойда ётиши ҳам шубҳа ўйғотди. Ўлим ёнгина оқибатида юз берганди, бир

бир умр унга кўп нарсаларни эслатиб турадиган бўлди. Саодат эса анчагача чақириқ қоғозларига қарамай милиция ҳодимларига қорасини кўрсатмай юрди.

Шу ўринда бир нарса қизиқда. Аслида, терговчи ҳам, суд ҳам унга фақат жинояти учун модде кўяди. Лекин у турмушг чиқсан жойида тинчмаганлиги, отаона бағрига бошқа бора жойи бўлмаганлиги туфайли қайтганлиги учун бу низолар юзага келгани ҳисобга олинмайди. Мен уни оқламоқчи эмасман.

Фақат жазонинг бошқа, яъни ҳалқ ўртасида муҳокама, изза қилиш каби усуулларидан фойдаланиш керак демокриман. Бу бошқаларга ҳам яхши сабоқ бўларди.

Нур БАДИА.



қўшнилар иккисини тартибга қақириб, панд-насиҳатини аяшмаган. Аммо ҳозир кимга насиҳат ёқади? Айниқса, бир бирини кўришга кўзи, отиша ўки бўлмаган ғанимларга.

ВУЛҚОН ОТИЛДИ

Шу йилнинг июнида наъбатдаги жанжал ваджшилик билан якунланди. Саодатнинг қизи оғигини юмай уйга юргани вулқон отилишига туртти бўлди.

Саодат газда қизиб турган ёғни Ҳалиманинг устига ағдарди. У касалхонада давола ниб чиқди. Бироқ чандиқлар

ТУЗКОН СОҲИЛИДА МУРДАЛАР ГУЛХАНИ



ҳавола қила туриб, шуни айтишимиз лозимки, тергов якун топгач, таҳририятнинг мавзуга қайтиш нияти ҳам йўқ эмас.

ерда ётмаслиги керак эди улар. Бундан ташқари уйчадан иккита кўндоғи ёниб битган 18 калибрли милитик илини топилди. Биттасининг ичидаги патрони ҳам бор эди. Бундан чиқарилган хулоса шу бўлди, қотиллик юз берган. Уйча қасддан ёқиб юборилган. Зудлик билан қидирив ишлар бошлаб юборилди. Вилояти ички ишлар бошқармасидан етук мутахассислар жалб этилди. Эксперт-криминалистлар ҷақирилди. Шу билан жиноят қидирив ходимлари 13 кун давомида тиним билгани йўқ. Ишнинг бошида уларнинг қўлида кулдан бошқа бирорта ҳам далил йўқ эди. Узингиз билганингиздек, кулдан далил бўлди нима-ю, бўлмади нима, фарқи йўқ.

Биринчи навбатда ёниб кетгандарнинг шахсини аниқлаш керак эди. Қидирив ишларига вилоят ИИБ жиноят қидирив бўлими бошлиғи М. Жабборов бошчилик қилди. Тахмин қилинган ва воқеа юз берган жойга яқинроқ жойлашган шахслар сўрала бошланди. Уйча ёнган куни шу атрофда қўй боқиб юрган билан 29 июль куни эрталаб соат 5-6 ларда ўша томонга қараб бир кўк машина ўтганини, унинг рақамини ҳам, белгисини ҳам билмаслигини шундай сўнг чўчқаҳонада ўқ овозлари эшилтиганини ва машина қайтиб кетганини, кейин эса чўчқаҳонадан тутун чиқсанни, орадан 3-4 соат ўтиб, яна бир қизил «Москвич» келиб-кетганини айтиб берди. Бу қидирувчиларнинг бириччи омади эди. Ҳар ҳолда тугун ечила бошланди. Наврӯз қишлоғига яшсивчилар эса Оносов кўпинча Тошкент рақамини тақдан, кўк «Запорожец» билан келиб, гўшт сотиб кетишини айтишиди.

Эртасига туман ИИБ жиноят қидирив бўлинмасини катта оператив вакили милиция катта лейтенанти Муҳаммад Отабуллаев яна воқеа содир бўлган ўша ярим оролчага борди. Соҳилда бегона қандайдир қайиқ пайдо бўлган. Унинг қаердан келганини, кимниги эканлигини аниқламоқчи эди. Балки у жиноятуга алоқадордир. У қайини кўрган бўлди. Пиҷоққа илинадиган бирор нарса тополмагач, яна қайтиб, атрофи тўсиқ билан ўралган хусусий фермага келди. Бу ерда ёниб кетган уйчадан ташқари яна бир ўй бўлиб, у ерда А. Оносовнинг ёлланган ишчилари яшашган. Шу хонанинг тинчув кила турли М. Отабуллаев ён дафтарча топиб олди. Жиноятнинг очишишга шу дафтарча калит бўлди. Унинг бир варагида кимнингдир онасига ёзган мақтуби бор эди. Унда ёзилиши, хат муаллифи Арнасойда чўчқаҳонада ишлайдиган энан. Онасидан тиши тозалагич билан кўйлагини дазмоллаб бери юборишини сўрабди. Ким орқалилиги но маълум. Ҳеч қанақа исм ҳам, фамилия ҳам йўқ. Ҳаттоқи ён дафтарчанинг хат ёзилган вараги йиртилмаган ҳам. Агар бирорвага берилиши керак бўлса, йиртиб олиши керак эди. Ҳудди төрговчини чалғитиши учун ўғли борлигини ёзиб ўйилгандай. Бир-икки варақ нарида кимнингдир адреси ҳам бор. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, уй ва хонанинг рақами. Бу ҳам исмамилиясиз. М. Отабуллаев ўша адрес бўйича бориб, бир аёлга учрашиди. У ростдан ҳам ўғли борлигини, Арнасойда чўчқаҳонада ишланини, ҳар ойда бир келишини-ю, бу сафар негадир бир ярим ойдан бўён келмает-гандигини айтди. Сўраб-сурширишлар натижасида шу нарса маълум бўлди. Унинг ўғли Сергей Гусев, 1969 йилда тугилган, ўзингиз билмас экан. Фақат ўғли бир марта уни Чилонзорнинг 19-кварталида туришини, кўк «Запорожец» машинаси борлигини айтганини эслади. Муҳаммад Тошкентда қолиб, Игорнинг шахсини аниқлашга киришди. Бу орада Оносовнинг Бекобод шаҳрида уйи борлиги маълум бўлиб, бу ердан сўралганда, яъни орада келмагандигини айтишиди. Иш жонланиб бораётган эди. Оносовнинг иккита ёлланган ишчиси Татаристондан эканлиги сабабли оператив гурух ходимларидан бири ўша ёқиб бориб келди. Тополмади.

Исмоил ШОМУРОДОВ.

(Давоми келгуси сонда).

НАФСИ БУЗУК...

Дўстлик шаҳар ИИБ участка вакили милиция лейтенанти Ярошбой Аҳмедов ёзув-чиズув ишларига нуқта кўяркан, соатига қаради. 23 дан 30 даврига ўтибди. У хонаси эшигни қўлфладида, яна бир бор ўзига биринчи турли таҳлоғлигидан ўтибди. Бу қидирувчиларнинг бириччи омади эди. Ҳар ҳолда тугун ечила бошланди. Наврӯз қишлоғига яшсивчилар эса Оносов кўпинча Тошкент рақамини тақдан, кўк «Запорожец» билан келиб, гўшт сотиб кетишини айтишиди.

Я. Аҳмедов йўл-йўлакай тесмир йўл бекати яқинидан ўтибди бир четда таҳлоғлигидан турган кутиларга кўзи тушди. Участка вакилида қандайдир шубҳа пайдо бўлди, шекили, дардол буюм эгасини ки-

дира бошлади. У олис сафар тараддуиди юрган Машариф Одинаев экан. Биргалишиб кутиларни оча бошладилар. Кейин эса ҳамма, нарса маълум бўлди.

Аниқланишича, М. Одинаев Хива туманинаги «Партия ХХII съездига» жамоа хўжалигига қараша иссиқхонадан 305 килограмм помидор харид қилиб, уни олис ўнага, яъни Оренбург шаҳрига олиб кетмоқчи бўлибди. Бундан ташқари яна 100 килограмм шакар ҳам россиянларларга аталган экан.

С. БОБОЕВ.